



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 126 (10.935) Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда хотин-қизларнинг мамлакат ҳаётида тўлақонли иштирокини қонунчилик орқали амалда таъминлаш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

●Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари академиясининг навбатдаги битирувчиларига дипломлар топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда мазкур академия ўқитувчи-мураббийлари, ҳарбийлар, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари ҳамда битирувчиларнинг оила аъзолари иштирок этди.

●Бўстонлик туманида Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси ҳамда туман ҳокимлиги ташаббуси билан «Шу азиз Ватан—барчамизники» мавзuida дўстлик форуми бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда туман ҳокимлиги томонидан юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган турли соҳа вакиллари муносиб тақдирланди.

●Тошкентдаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида жойлашган «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари томонидан иқтидорли ёшлар фаолиятига оид лойиҳалар ижросига бағишланган анжуман ўтказилди.

●Олмалик шаҳар ҳокимлиги «Ижтимоий ҳимоя йили» дастурига асосан шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшган 30 нафар меҳнат фахрийси учун Самарқандга саёҳат уюштирди.

●Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳрида замонавий сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. «Истиклол» маҳалласида ҳашар йўли билан қурилган мазкур объектда сув спорти билан шуғулланувчиларга барча қулайликлар яратилган.

●Вобкент туманидаги Анжирбоғ қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик-2» дастурига мувофиқ қарийб 5 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

●Навий вилоят болалар кутубхонасида янги тизимга ўтиш жараёни низоҳасига етди. Капитал таъмирдан чиқарилган ушбу Ахборот—ресурс марказига яқинда 12 та электрон дарслик олиб келинди. Эндиликда марказ зарурий мебелларга, бой кутубхонага, Интернет тармоғига уланган 18 та компьютерга эга.

●«Хўжайли автотранспорт корхонаси» масъулияти чекланган жамияти Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган замонавий, ҳар томонлама қулай автобуслардан 20 тасини лизинг асосида сотиб олди. «Isuzu» русумли янги автобуслар Нукус шаҳрига, Мўйроқ, Қўнғирот, Қонлиқўл ва Шуманай туманлари марказларига қатнай бошлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
 Янгиликлар, воқеалар

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИҚДА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИНИНГ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШДА СИФАТГА ҚАРАТГАН ЭЪТИБОРИ БОЗОРДАГИ ЎРНИНИ БЕЛГИЛАШИДА, ХАРИДОРЛАРИ САФИ КЕНГАЙИШИДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА. ШУНИНГ БАРОБАРИДА КОРХОНАНИНГ НУФУЗИ ҲАМ ОРТИБ, ИСТИҚБОЛИНИ ЯРАТИШДА ЗАМИН БЎЛАДИ.



16 YIL
 O'ZBEKISTON
 MUSTABILITE - INDEPENDENCE - BARBERLIK

ҲАМКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

«Дилбар — давр қизи» хусусий корхонаси тадбиркорлари ҳам давр талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритар экан, аввало маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг сифатли хом ашёсидан унумли фойдаланган ҳолда буюртмалар ўз муддатларида бажарилишини таъминлашмоқда. Ҳозирда мазкур корхонанинг 24 нафар асосан ёшлардан иборат моҳир кўлли чеварлари меҳнати туфайли мавсумий аёллар либослари, махсус иш кийимлари ҳамда мактаб ўқувчилари учун формалар тикилмоқда.

Айниқса, жамоа аҳлининг янги моделдаги аёллар либослари, эркаклар костюм-шимлари, магистрларга алоҳида тайёрланган буюртмалар кўркамлиги ҳамда сифати билан ажралиб туради. Ички бозорни чуқур ўрганиш, доимий изланиш, малакали кадрлар танланганлиги боис ҳам ушбу корхона шартномалиги асосан узок муддатга тузилади,

маҳсулотлар турлари янгиланиб боради.

— Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича бир ойда 1 миллиондан 4 миллион сўмликкача буюртма бажарилишига эришмоқдамиз, — дейди ишбилармон раҳбар Дилбар Хўжаева. — Ишимизни тўғри ташкил этиш туфайли хусусий корхонамиз ривожини таъминлашга эришмоқдамиз. Бунда, албатта давлатимиз томонидан тадбиркорлик ривожига оид бир қанча Фармон ва Қарорларнинг эълон қилинганлиги, ушбу соҳадаги босқичма-босқич амалга оширилаётган истиқболли ислохотлар фаолиятимиз эркинлиги, ҳуқуқий ҳимоямиз таъминлаётганини алоҳида таъкидламоқчиман

Эътиборли томони, доимий равишда шахримиздаги енгил саноат касб-хунар коллежлари ўқувчилари шартнома асосида бу жамоада амалиёт ўтайдилар,

иш ўрғанадилар. Мазкур корхона ҳамкорлари бўлган фирма, хусусий ательеларда (ўқишни тамомлаб, диплом олгач, албатта) иш ўринлари билан таъминланишади.

Корхона тадбиркорлари жорий йил бошидан режаларидаги эркаклар учун икки турдаги янги маҳсулот — дубленка ҳамда ёзги устки кийим тикиб чиқаришни йўлга қўйишди. Улар яқинда ўтказилган Республика енгил саноат маҳсулотларининг савдо-кўргазмасида намойиш этилиб, шартномалар тузилди ҳамда ҳозирда буюртмалар муваффақиятли бажаришмоқда.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: «Дилбар—давр қизи» хусусий корхонаси цехларидаги кўли гул чеварлар навбатдаги буюртмани бажаришмоқда.

Наталья Семёнова олган суратлар

Каска сатрларда

●**ҲАМЗА** туманидаги «Тендош» маданият уйи ташаббуси билан 5-10 ёшли болажонлар иштирокида ўтказилган тадбир ва спорт мусобақалари «Кувноқлар ва зукколар» деб номланди.

●**БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги 24-мурувват уйида «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг фаол ёшлари иштирокида «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳар-

часи Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган хайрия тадбири уюштирилди.

●**БУГУН** Яққасарой туманидаги «Қушбеги» болалар спорт мажмуасида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидаги 36та ёзги дам олиш оромгоҳларига спорт анжомлари тухфа этилди.

●**БУГУН** Ҳазрати имом мажмуасида республика Маънавият тарғибот маркази

зининг Тошкент шаҳар бўлими, Ўзбекистон мусулмонлар идораси Собир Раҳимов туман вакиллиги, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими ва ҳамкорликларида ўтказилган анжуман «Тошкент—Ислом маданияти пойтахти» деб номланди.

●**КЕЧАДАН** Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармаси ҳамда Яққасарой туман ҳокимлиги ҳамкорликларида туман корхона-ташкilotлари, фаол ёшлари иштирокида фавкуллода вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш, азият чекканларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича навбатдаги ўқув машғулотлари бошланди. Ушбу тадбир 6 июльда давом этади. Ана шу тадбирни бекам қўйиш мақсадида КЕЧА Яққасарой туман ҳокимлигида уюштирилган йиғилишда туман фаоллари, ёшлари, корхона-ташкilotлар вакиллари ҳамда маҳаллалар фуқаролар йиғини раислари иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

2007 йил 13 июль куни соат 11.00 да **ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ КАТТА МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА УЧИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТАДИ.**

Сессия кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорининг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан вазифалар, Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш бош бошқармаси фаолияти ҳамда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг ҳисоботлари ва бошқа масалалар киритилмоқда.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИНING «ПОЧТА АЛОҚАСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТИЗИМИДАГИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур қўмита раиси Х.Дўстмухамедов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, агентлик ва ташкilotларнинг вакиллари қатнашди. Йиғилишда номи қайд этилган қонун ижросини таъминлаш борасида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Хусусан, жамият тизимида мамлакат почта алоқаси тармоғи ва шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий қилиш, почта хизмати сифатини ошириш, халқаро почта алоқаларини ривожлантириш ҳамда фойдаланувчиларнинг талабларини қондиришга оид ишлар изчил олиб борилмоқда. Жумладан, «Алоқабанк» акциядорлик тижорат банки ва бошқа банкларнинг пластик картчалар орқали тўловларни қабул қиладиган 88 терминали шарт-

нома асосида ўрнатилиб, мижозларга самарали хизмат кўрсатилмоқда. Худудий филиалларнинг почта объектлари қошида 24 «Интернет кафе» фаолият қиритмоқда.

2006 йилда жамият томонидан аҳолига бир миллиард 496 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Шунингдек, пенсия ва нафақа пуллари ўз вақтида элтиб берилмоқда.

Шу билан бирга бу борада йўл қўйилган айрим камчиликларга ҳам эътибор қаратилиб, уларни бартараф этиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎЗА)

ЖАҲОНДА

●**Покистон** жанубида рўй берган кучи бўрон ва ёғингарчиликдан 2 миллионга яқин аҳоли жабр кўрди. Фақат биргина Беллужистон музофотида 100 киши ҳалок бўлди, бир неча юз киши бедарак йўқолди. Электр ва алоқа тизимлари ишдан чиқди. Кеча мамлакат Бош вазири Шавкат Азиз табиий офатдан жабр кўрган туманларда бўлгач, Покистон ҳукумати жаҳон ҳамжамиятига ёрдам сўраб мурожаат қилди.

●**Афғонистоннинг** Филмонд вилояти аҳолиси охириги кунларда иттифоқ кучлари ва Толибон ҳаракати ўртасида кечаётган жанглардан жиддий талафот кўрмоқда. Хусусан, Америка ва НАТО бошчилигидаги кучларнинг вилоятда олиб борган ҳаво операциялари оқибатида жангарилардан ташқари 50 га яқин тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлди.

●**Москва шаҳар** Савелов район суди тадбиркор Борис Березовскининг жиноий ишини кўришга киришди. У «Аэрофлот» компанияси маблағини ўзлаштирилганликда айбланмоқда. Лондонда истиқомат қилаётган Березовскининг ўзи эса бу ишни тухмат деб атамоқда.

●**Европа** космик агентлиги Марс сайёрасига учинчи хоҳловчилар учун махсус танлов эълон қилди. Танлов шартларига кўра, 25 ёшдан 50 ёшгача бўлган, бўйи 185 сантиметрдан ошмаган 12 нафар хоҳловчи махсус лойиҳада иштирок этиб мураккаб синовлардан ўтиши лозим.

●**Лондоннинг** «Уэмбли» стадионида малика Диана хотирасига бағишланган хайрия концерти бўлиб ўтди. 6 соат давом этган концерт дунёнинг 140 дан зиёд давлатларида тўғридан-тўғри эфирга узатилди. Концертдан тушган барча маблағ малика Диана ҳаётигида амалга оширган хайрия ишларини давом эттириш йўлида сарфланади.

●**Фаластин** мухторияти раҳбари Махмуд Аббос яқинда ХАМАС ташкilotи вакилларисиз янги ҳукуматни шакллантиргач, Исроил ҳукумати уни қўллаб-қувватлаш учун мухториятга 117 миллион доллар миқдорига кўмак жўнатди. Яқин кунларда яна молиявий ёрдам амалга оширилди.

●**Гонконг**да ушбу мамлакатнинг Буюк Британиянинг мустамлакасидадан чиқишига 10 йил тўлганлиги улкан мушакбозлик орқали нишонланди. Мушакбозлик 40 дақиқа мобайнида давом этиб, маросим мамлакат хазинасига 2 миллион долларга тушди.

●**Хитойда** 2008 йилги Пекин Олимпиадасига бағишлаб қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларнинг иккинчи серияси чиқарилди.

ОИЛА — ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

ҲАМЗА ТУМАНИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «ЁШ ОИЛАЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» ГИ ФАРМОНГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ. ТУМАН ХОТИН-КИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ВА «ОИЛА» МАРКАЗИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРДА КЕЛИН-КУЁВЛАР ВА ЁШ ОИЛАЛАР ИШТИРОК ЭТИДИ.

— Ортбосимизнинг Фармони ёш оилалар учун хайрли ишларга кенг йўл очиб бериб, жамият таянчи бўлиши оила раванки, мустақамлиги, ёш оилаларнинг маданий-маиший шароитлари тўқиб бўлишини таъминлайди, — деди семинарда сўзга чиққан Ҳамза туман хотин-қизлар қўмитаси раиси А.Идрисова. — Айтиш мумкинки, бу Фармон ёшларга ҳар томонлама ёрдам бериш, меҳнат фаолиятини бошлаётган, мустақил ҳаётга қадам қўётган йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмида яратилиши, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга қаратилган диққат-эътибор намунаси бўлди.

Фармонда ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, рўзгорини йўлга қўйишда ҳар жиҳатдан қўмақлаштириш кўзда тутилган. Хусусан, шу мақсадда жорий йилда тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида 50 миллиард сўм ажратилиши назарда тутилган.

Бундан ташқари, ёш оилаларни давлат томонидан уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби жорий этилади. Ҳозиргача ёш оилаларнинг юртимиз турли ҳудудларидаги давлатга қарашли, вақтинча фойдаланилмаётган турар-жойлар, уйлар, шунингдек, кўп хонадонли уйларда бўш турган хоналардан фойдаланиши учун, бир томондан, ҳуқуқий асос, иккинчи томондан, молиявий имконият, учинчидан эса унга эгаллик қилишнинг амалий механизми яратилмаган эди. Фармонда ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани эътиборга моликдир. Хусусан, ана шундай бўш турар жойлар, улардаги маиший шароитларнинг ёш оилалар яшаш учун мос келиши нуктаи назаридан қисқа муддатларда инвентаризация қилинади. Сўнгра улар негизда оливаий турар-жойлар ва ёш оилалар учун имтиёзли нархларда ижарага бериладиган квартиралар ташкил этилади.

Кўриб турибдики, мазкур Фармон мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида, жамиятимиз тарққатишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжатлар қаторидан жой олди. Тегишли идоралар, муассаса ва ташкилотлар, мустақил раҳбарлар унинг ижросини таъминлашга киришди. Зеро, шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир уйғоқ фикри йигит-қиз юрт тақдирини, миллат юқини елкалашга қодир. Уларга йўл-йўриқ кўрсатиш, мадад бериш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бевосита Ватанимизнинг порлоқ истиқболи пойдеворини янада мустақамлаш демокдир.

Мадина Усмонова

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЛИЙ ТЕХНИК МАКТАБИДА БИТИРУВЧИЛАРНИ КУЗАТИШ МАРОСИМИ ЎТКАЗИЛДИ.

лан, машаққатлардан қўқмасдан или сирларини ўргандилар, муҳандислик қўқимларини эгалладилар.

Тантанали битирув кечасида дастлаб ўқини аъло баҳолар билан тугаллаган 12 нафар битирувчиға имтиёзли олий маълумотли дипломларни Ички ишлар вазири генерал-лейтенант Б.А.Матлюбов ҳамда мактаб бошлиғи генерал-майор М.С.Собировлар топширди. Шунингдек, ўқини давомида аълочилиғи ва намунали ҳуқли билан ўрнак бўлган битирувчиларга вазириликнинг Фахрий ёрликларини, уларнинг ота-оналарига эса мактаб раҳбарияти номидан «Миннатдорчилик хатлари» ва «Ташаккурнома» лари топширилди.

Ички ишлар вазири генерал-лейтенант Б.А.Матлюбов битирувчиларни табриқлар экан, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида» қонун ва Қадрлар таъйёрлаш Миллий дастури доирасида амалга оширилётган ислохотларни давр талаблари

асосида олиб бориш, маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакл ва усулларини ишлаб чиқиш каби асосий вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби муайян ишларни амалга ошираётганлигини мамнуният билан таъқидлади. Битирувчиларнинг ўзларига билдирилган ишончини оқлашлариға муваффақият тилади.

Ўз навбатида битирувчилар ҳам беш йил давомида олган илмлари, етук мутахассис бўлиб етишишларида яратилган шарт-шароитлар учун давлатимиз раҳбариятига, Ички ишлар вазирилик, мактаб раҳбариятиға миннатдорчилик билдириб, келгусида улардан олган билим ва тажрибаларини элу юрт оқоимшталлиғи йўлида сафарбар этиб, Ватан ўғлини деган шарафли номға муносиб бўлишға, ўзларига билдирилган юксак ишончини оқлашға ваъда беришди.

Дилноза АБДУКАРИМОВА

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

«ТОШХАХАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИДАН БЕРИЛГАН ХАБАРЛАРГА ҚАРАГАНДА 50 КИШИ АВТОБУС, 16 КИШИ ТРАМВАЙ ҲАЙДОВЧИЛАРИ КУРСИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНИБ, 20 КИШИ АВТОБУС ҲАЙДОВЧИЛИГИГА ИШГА ОЛИНГАН.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида аҳоли эҳтиёжларини қондириш, уларға хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Пойтахтимизда йўловчи транспортни йўналишларини бир маромада ҳаракатланишини таъминлаш, барча мулкчилик шаклидаги йўловчи таъувчилар орасида ошқора рақобат учун қўлай шартлар яратиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилаётди.

— Жорий йилнинг апрель ойида «Тоштрансреклама» МЧЖ томонидан «Тошавтобустрас» АК ва «Тошэлектротранс» ДК тасарруфидаги корхоналарға ишға қабул қилиш ва ҳайдовчилик курсларида ўқитиш учун беш юзта плакатлар тайёрланди ва уч юзга яқин йўловчи ташиш транспортлариға жойлаштирилди. — дейди Ўзбекистон Республикаси «Тошхажартрансхизмат» уюшмаси раиси ўринбосари Зайниддин Аброров. — Натихада, «Тошхажартрансхизмат» уюшмасиға 66 киши ҳайдовчилар курсиға қабул қилинди ва 20 киши ишға олинди.

Айни пайтда пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларға сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида «Тошхажартрансхизмат», Тошкент шаҳар ҳокимлиғи йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва му-

вофиқлаштириш Департаменти, «Тошавтобустрас», «Тошпассерв-сервис» акциядорлик компаниялари ҳамда «Тошэлектротранс» давлат компанияси фаолият кўрсатмоқда.

«Тошхажартрансхизмат» уюшмаси корхоналарига қарашли бир минг икки юзта кўп ўринли ва мўъжаз автобуслар, тўқсон саккизта трамвай ва етмиш еттига троллейбуслар белгиланган йўналишларда ҳаракатланмоқда ва икки юз олтидан зиёд энгил таксилар ва метрополитенда ҳар бири тўрт вагондан иборат ўттиз тўққизта поездлар катнамоқда. Пойтахтимиз бўйлаб эса бир юз йигирмата автобус, ўттиз олтита йўналишли такси, саккизта трамвай ҳамда тўққизта троллейбус, шаҳар атрофида иккита автобус, учта метрополитен йўналишлари туну-кун хизматда.

Шунингдек, «Тошхажартрансхизмат» уюшмаси томонидан шаҳар транспортларида реклама фаолиятини яхшилаш, реклама хизмати сифатини ошириш мақсадида «Тоштрансреклама» МЧЖ ташкил этилди. Мазкур жамиятнинг тўрт юзга яқин «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзусидаги плакатлари «Тошавтобустрас» АК тасарруфидаги корхоналар автобуслариға жойлаштирилди. Шунингдек, айни пайтда аҳолиға хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш борасида ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, қурилиш-таъмирлаш жараёнилари жадаллаштирилди. Тошкент шаҳар туманларидаги йигирмага яқин шохбеклар таъмирланиб, фойдаланувчилар тасарруфиға топширилди.

Рахнона ТОШПЎЛАТОВА, «Туркистон-пресс»

Хорижий инвестициялар—иктисодиётга

ТАДБИРКОРЛАР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИ ТАЪМИНЛАНГАНИ, МОЛИЯВИЙ АҲВОЛИ ЯХШИЛАНАЁТГАНИ, ПУЛ-КРЕДИТ ТИЗИМИНИНГ СЕЗИЛАРНИ ДАРАЖАДА МУСТАҚАМЛАШГА ЭРИШИЛГАНИ КЎПЧИЛИККА МАЪЛУМ.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро тўлов механизми анча мустақамлашиб, бу эса ўз навбатида корхоналарнинг молиявий аҳолини яхшилаш, иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш имкониятини бермоқда. Хусусан, Республика корхона ва ташкилотларнинг тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари миқдори йил сайин қисқармоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун қўлай инвестиция муҳити барпо этилган. Кўпгина чет эл компаниялари Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш истагини билдиришмоқда ва биргаликда иш юритмоқда. Чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистонда фаолият юритишлари учун эса барча имкониятлар қатори уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимояловчи ва кафолатловчи чора-тадбирлар тўғрисидаги қонунлар ҳам мавжуд.

«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» ги қонунда шундай белгиланган: «Давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширувчи чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг амалга оширилиши таъминлишини ҳисобга олган ҳолда фуқаролиғи, яшаш жойи, диний эътиқоди, иқтисодий фаолияти қаерда амалга ошири-

лаётганлиғиға шунингдек, инвесторлар ёки инвестицияларнинг қайси мамлакатта қамсублиғиға қараб чет эллик инвесторларнинг қамсублишиғиға йўл қўйилмайди. Қонун ҳужжатлари, шу жумладан идоравий норматив ҳужжатлар, агар уларнинг ижроси чет эллик инвесторға ёки чет эл инвестицияларига зарар етказас улар орқаға қайтиш қучиға эға эмас.

Агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт - шароитларини ёмонлаштирсас, унда чет эл инвестицияларига нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўлланилади. Чет эллик инвестор ўз хоҳишиға қўра янги қонун ҳужжатларини инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қондиларини қўллаш ҳуқуқиға эғади.

Чет эл инвесторлари, аввало хусусий инвесторлар бўйича барча шартномалар улар бажарилишининг қатъий кафолатларини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ваколат берган тегишли органларнинг назорати остида туради.

Давлат бошқарув органлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган ҳўжалик фаолиятиға аралашушға ҳақли эмас».

Дарҳақиқат, юртимиздаги аҳолининг яшаш ва фаолият юритиши мақсадида қўлланилаётган ҳар бир қонуний ҳужжатлар, албатта инсон манфаати йўлида хизмат қилмоғи даркор.

Лутфихон АҲМЕДОВА, Мирзо Улуғбек туман 1-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси

БИЗ—ҲАММАМИЗ ИСТЕЪМОЛЧИМИЗ. ШУ МАЪНОДА ЮРТИМИЗ ИЧКИ БОЗОРЛАРИДАГИ МОЛЛАРНИНГ СИФАТЛИ БЎЛИШINI ТАЪМИНЛАШ, УЛАРНИ ҲАРИДОРЛАРНИНГ ИСТАК ВА ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНДИ.

МАҲСУЛОТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ — МУВАФФАҚИЯТ САРИ ЙЎЛ

Шу маънода Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Санитария-эпидемиология маркази, «Узстандарт» агентлиғи ўзаро ҳамкорлиғида ўтказилган семинар-тренингда худди шу мавзулар хусусида сўз борди. Йилгида асосий эътибор Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертифицилаштириш тартиб-тартибини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори моҳияти ва унинг ижросиға қаратилди.

Тадбирда мутасадди ташкилотлар, давлат ва жамоат бирлашмалари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Йилгилишни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Республикаси

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Н.Холмуродов шайримиз аҳолисини сифатли, хавфсиз ва истеъмол учун қўлай бўлган маҳсулотлар билан таъминлаш—барчамизнинг асосий бурчимиз эканлигини алоҳида таъқидлаб ўтди.


Шунингдек, йилгилишда сўзга чиққанлар мамлакатимиз қонунчилиғида инсон саломатлиғиға салбий таъсир кўрсатувчи, истеъмол учун яроқсиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг қонун орқали таъқиқланиши хусусида тўхталиб ўтишди. Жумладан, маҳсулотларнинг белгиланган талаблар (меъёрий-норматив ҳужжатлар талабларига) мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида уларни сертифицилаштириш тартиби ўтказилди. Бинобарин, ишлаб чиқарувчи амалдаги қонунчилик талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарса, те-

гишли органлардан сертификат олади. Маҳсулотнинг сифат даражасини сертифицилаштириш—бу фақат Давлат назорат органлари талабларини бажариш дегани эмас, балки товар ва хизматлар бозорида маҳсулотларнинг ўз ўрнини топишини жадаллаштиради. Қолаверса, харидорнинг ушбу талаблар бўйича ишончини оқлашға хизмат қилади.

Маҳсулотларни сертифицилаштириш, бу маҳсулотларни сотиш миқдори ҳамда ишлаб чиқарувчи корхона обрўсининг ошишиға хизмат қилади. Ҳозирги бозор иқтисодиётиға босқичма-босқич ўтилаётган бир пайтда сертифицилаштириш муҳим омил ҳисобланиб, бозор фаолиятида муҳим аҳамиятға эға.

Тадбир давомида қилинган маърузалар, билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда кейинги иш режалари белгиланиб олинди.

Хидирали ПАНЖИЕВ



Замонавий бинолар шаҳримиз кўркидир

Туманларда

ТАРБИЯ ҲОҒИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ОИЛА, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ЭТИШ БЎЙИЧА БИР ҚАТОР ИШЛАР, КЕНГ ҚЎЛАМЛИ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА. ХУСУСАН БУ БОРАДА МАҲАЛЛАЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР, АЙНИҚСА ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚДИР.

Айниқса «Қамолот» ЕИХ, «Маҳалла» жамғармаларининг хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда ўтказиб келаяётган кўрик-танлов, мусобақа ва тадбирлари ўзининг яхши натижаларини бермоқда.

—Туманимиздаги ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонға кириб боришға, оилаларни мустақамлаш, аҳоли соғлигини тиклаш бўйича мақсадли, режалар ишларни олиб боришға интиламиз, — дейди биз билан суҳбатда Учтепа тумани ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Азизахон Ғиёсова. — Ахир оила — тарбия ўчоғи, маънавият бешиги, унда қанчалик самарали иш олиб борилас ёшлар шўнчалик соғлом, ҳар соҳада комил, етук бўлиб воёға етадилар. Мана яқинда «Оила» кўни муносабати билан ташкил этилган танлов бунинг исботини кўрди. Йилдан-йилга танловда катнашиш истагини билдираётган оилалар сони кўпайиб бораётган бўлса, унга қизиқиш, тайёргарлик кўриш ҳам кишини хурсанд қилмоқда. Бу йил танловда туманимиз бўйича 37 нафар оила иштирок этиб, 5

та йўналиш бўйича беллашувда энг фаол, танлов талабларига тўлиқ жавоб берган, оилалар ичида энг муносиб деб топилган «Оқ маचित» маҳалласидан Шамсиевлар оиласи голибликни қўлга киритди ва «Маҳалла», «Экосан» жамғармалари ҳамда «Қамолот» ЕИХнинг қимматбахо совғалари билан тақдирланди. Бошқа оилаларнинг ҳам голиблар қаторидан ўрин олишға интилишини, албатта хотин-қизлар қўмитаси томонидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг самараси деб биланам.

Дарҳақиқат оилалар қанчалик тинчлик-хотиржамликда, ўзаро тотув-иноқликда, ота-оналар ўзлари ибрат бўлиб ҳаёт кечирсалар, улар тарбиялаётган болажонлар ҳам эртанимизнинг муносиб издошлари, она-Ватанимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб воёға етадилар. Бунда ўзини-ўзи бошқариш тизимиде олиб борилаётган янгилиниш ва ислохотларнинг, таълим-тарбиянинг жуда катта ўрни борлиғиға шак-шубҳа йўқ.

Паризод СУЮНОВА

Иқтисодиёт СИФАТЛИ ҚУВУРАР

ХАЛҚ ҲЎЖАЛИГИНИНГ КЎПЛАБ ТАРМОҚЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПОЛИМЕР ҚУВУРАР СИФАТИ ВА ИШЛАТИШГА ҚЎЛАЙЛИГИ, ШУНИНГ БАРОБАРИДА МУСТАҚАМ ВА ЧИДАМЛИЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТЎДИ.

Пойтахтимиздаги «Шарқ пласт-сервисасу-лияти» чекланган жамиятида ишлаб чиқилиши йўлга қўйилган «POLIMER GROUP» савбелгисидиға ана шундай қуворлардан газ ва: ҳўжалиғида кенг фойдаланилмоқда. Диаметр 6 миллиметрдан 400 миллиметрғача бўлган уч қуворларнинг 50 йиллик кафолат муддати бўл, хорижий автоматлашган линиялардан фойдалиб тайёрланаётган маҳсулотға буюртмачилар фи тобора кенгайиб бормоқда. «Аммофос» кё заводи, Навоий ва Олмалик кон-металлургиқкомбинати сингари йирик корхоналарнинг қаб буюртмалари муддатида ва сифати адоиланлиғи бунинг яққол далилидир. Шунингдэз маҳсулотларини келгусида Қозоғистон, То:истон, Россия давлатларига экспорт қилишни да тутган тадбиркорлар яқинда янги маҳсулотурини тайёрлашади.

—Германиядан келтирилган янги линасосида диаметри 710 миллиметр бўлган поли қувор ишлаб чиқарамиз, — дейди корхона директори Мурод Пўлатов. — Бундан ташқари ишлаб зралаётган сантехника жиҳозларининг янги тарини кўпайтириш ниятидаимиз. Полимер қуворнинг мустақам ва рақобатбардош турларини тайёрлашда корхона мутахассисларига Германияда Кореядан келтирилган ва «Шўртангаз» к мажмуасининг хом ашёси қўл келмоқда.

КАСАНАЧИЛИК АСОСИДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2006 ЙИЛ 5 ЯНВАРДАГИ «ЙИРИК САНОАТ ҚОРХОЛАРИ БИЛАН КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАТИРИШ АСОСИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯ КЕНГАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» ГИ ҚАРОРИ КАСАНАЧИЛАР САФИ ОРТИШИДА, УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ РИВОЖИДА НИМ АҲАМИЯТ КАСЕ ЭТМОҚДА.

«Хатирохоним» масъулияти чекланган лиятида ҳам касаначилик асосида меҳнат қилган хотин-қизлар тикаётган кийим -кечаклар рртмачилар талабини қондиришмоқда. Асосий рртмачилар сафидан касалхоналар, хусусий таркорлар ўрин олган бўлиб, уларнинг тақлиф мулоҳазалари эътиборга олинади.

—Келгусида касаначилиримиз сафини 20 нафарға ошириш учун саъй-ҳаракат қилмиз, — дейди корхона раҳбари Нафиса Раззоқов-Уларни, албатта керакли хом ашё ҳамда зағ дастгоҳлар билан ҳам таъминлаш зарур бўле. Маҳсулотларимиз сифатини таъминлаш учуна чеварларни танлов асосида ишға оламиз. Ци алоҳида таъқидлаш ўринлики, Президентимизнинг касаначилика қаратган эътибори уйда ўтан хотин-қизларни иш билан таъминлашда, ррининг оилалари тинч ва меҳнатлари баракалилишида катта аҳамият касб этди.

«Хатирохоним» касаначи хотин-қизларозирда маҳоратларини ишға солиб, буюртмалар бажариш баробарида янги моделдаги либфяр яратиш устида ҳам изланишмоқда.

Шарофат БАҲМОВА

Транспорт

ЯНГИ МАҚОМДА БЕШ ЙИЛ

БУНДАН БЕШ ЙИЛ АВВАЛ «ЎЗБЕКИОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОИК ТЕМИРЙЎЛ КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДА «ЎЗТЕМИРЙЎЛ ЎЛОВЧИ» ЖАМИЯТИ ТУЗИЛГАН ЭДИ.

«Ўзбектемирйўловчи» унитар корхонасегизиде ташкил топган бу жамият темир йўл иматида аҳоли эҳтиёжларини тўла-тўқик қондид, сервис инфраструктурасини ривожлантиришйўловчиларға сафар чоғи, шунингдек, вокзалға хизмат кўрсатиш билан яқиндан шугулланибмоқда. Бу ерда йўловчи поездларини сафарғехник ва технологик жиҳатдан тайёрловчи бўм ҳам фаолият кўрсатмоқда. Тошкент корхонасиэ Тошкент, Гулистон, Ховос, Жиззах станцияли вокзалларида йўловчиларға намунали хизмат йўлга қўйди.

Темирйўлларни реконструкция қилиш, электрлаштириш, вагон ва локомотив ҳўжаликғаммир базасини модернизациялаш жараёниларинг режалар тартибда амалға ошмоқда. Кейингиш йил ичида корхона замонавий техникалар бин тўла жиҳозланди.

Анвар НИЕВ

ҲАМ АРЗОН, ҲАЙ ҚУЛАЙ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ТОШКЕНТ ЛОВЎЁҚ ЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ ОРТИБ, ҲАЖМИ КЎПАЙИБ БОРМОҚДА.

Улар буюртмачиларға ўз вақтида пешмаш етказиб берилмоқда. Бунда темир йўл вагонри қўл келмоқда. Тошкент темир йўлининг Салобекати корхонанинг буюртмасини адо этишға қилди.

Аваллари корхона маҳсулотлари автобиль транспортда ташилар эди. Эндиликда зоддагилар бу ишни темир йўл транспорти ори адо этишмоқда.

Бундай қўлайлиқдан Тошкент қора металлургиқкомбинати ишлов бериш заводи жамоаси и фойдаланилмоқда. Тошкент кабель заводи маҳюлотларини четға чиқаришда ҳам бекаст ходимри ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бекатади темир йўл транспорти киш ҳўжалик маҳсулотларини белгиланган манзил олиб боришға ҳам сафарбар қилинмоқда.

Аҳмад ИДОВ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК КУРАШИ ТОМ МАЪНОДА ДУНЁ СПОРТИГА АЙЛАНДИ, ДЕСАК МУБОЛАГА БЎЛМАЙДИ. ЗЕРО БУГУНГА КЕЛИБ ЎЗБЕК КУРАШИГА АЪЗО ФЕДЕРАЦИЯЛАР Сони 88 ТАГА ЕТДИ.

ЎЗБЕК КУРАШИ ДУНЁ КЕЗМОҚДА

Миллатимизни азалий қадрияти бўлган кураш халқаро спорт тури сифатида тан олинганга тўққиз йил бўлишига қарамай мустақиллик йилларида кўплаб китъавий чемпионатлар, халқаро турнирлар билан бир қаторда беш бора жаҳон чемпионати ўтказилди.

Мустақиллик шарофати билан курашимиз халқаро спорт дея эътироф этилди, ажодларимиз руҳи шодланди. Боболаримиз номи билан турнирлар ташкил этила бошланди. 1992 йилда бошланган бундай турнирлар сирасида Пахлавон Махмуд турнири ҳам муҳим ўрин тутди. Бу улуг зотга пиру устоз дея қараш нафақат юртимизда, балки Шарқ мамлакатларида ҳам анъана тусини олган. Шу маънода тўрт йилдирки, Эронда бобоқалони миз номи билан «Пурё Валий» халқаро турнири ўтказиб келинмоқда. Бу йил ҳам анъанага мувофиқ 22-24 июнь кунлари Техрон шаҳрида бўлиб ўтган турнирда аввалгиларига нисбатан қатнашувчи давлатлар сони кўп бўлди.

Сайёҳлик мамлакатаи саналмиш Туркияда ҳам анъанавий турнир бошланиш арафасида. Туркия давлати ўзбек курашини халқаро спорт деб тан олган биринчи давлатлардан ҳисобланади. Кураш бўйича иккинчи жаҳон чемпионати ҳам Туркия давлати мезбонлик қилган эди. Мана беш йилдирки, Босфор халқаро турнирига ҳам ушбу юрт вакиллари мезбонлик қилмоқда. 1-2 июль кунлари бўлиб ўтган мусобақа ўтган турнирлардан фарқли ўлароқ иштирокчи давлатлар сони кўплиги билан аҳамиятлидир. Турнир гиламига 66, 81, 90 ва мутлоқ вазн тоифасида-

ги эркаклар ҳамда 52, 63, 70 ва мутлоқ вазн тоифасидаги аёллар баҳс юритишди. Мазкур мусобақа якунланган иштирокчилар Туркия кураш федерацияси томонидан ташкил этиладиган бир ҳафталик ўқув машғулотлари йиғинида ҳам иштирок этишади. Кураш оиласига яқиндагина аъзо бўлган Франциянинг Хендай шаҳрида ҳам 29-31 июль кунлари халқаро мусобақа ўтказилиши режалаштирилган. Мазкур мусобақага дунёнинг барча қитъасидан давлатлар тақлиф этилган. Халқаро турнирни ўтказиш олдидан Франция кураш федерацияси томонидан бир қанча мамлакатларда курашни тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари олиб борилмоқда. Курашнинг қитъа мусобақаларидаги муваффақиятли оидими Олимпия ўйинлари каторидан жой олишига замин яратиши, шубҳасиз. КХА бу борада барча ишларни амалга оширмоқда.

Африка Олимпия Кўмитаси Президенти, Африка кураш конфедерацияси Фахрий Президент Лассано Паленфо КХА га табрик телеграммасини йўллади. Унда ёзилишича, 12-25 июль кунлари Алжир давлатида бўлиб ўтадиган Африка ўйинлари ва 28 июльдан 8 августга давом этадиган Афро-Осиё ўйинларида кураш бўйича кўргазмалли чиқишлар бўлиб ўтади. Бу эса кураш Африка қитъаси ўйинлари қаторидан мустақам ўрин эгаллашига замин яратди.

Бир сўз билан айтганда, кураш мустақиллик йилларида том маънода Ўзбекистон номини жаҳон узра тараннум этди, уни дунёга танитди.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»



ХАР КИМНИНГ ЎЗИГА ИНСОФ БЕРСИ

Уша кунги гиёвандлик хусусида мақола тайёрлаш мақсадида шаҳар наркологида диспансерига борган эдик. Асп вабосига тутиб бўлганлар орасида юрган ёшгина йигит диққатимизни ўзига тортди. У билан суҳбатлашиш истаги туғилди. Йигит ҳам монелик билдирмади. Бошидан ўтган сирсониятларини биз билан баҳам қўришга рози бўлди. Табиийки, суҳбатимиз «Бу ерга қандай келиб қолдингиз?» деган оддийгина савол билан бошланди.

—Қандай келиб қолганимни билмайди-гандек гапирасиз-а. Қандай келиб қолганим ўз-ўзидан аёнку,—бироз тўрсайиброқ жавоб берди суҳбатдошим.

—Саволим ноўрин туолган бўлса ке-чирасиз,— дедим ўртадаги мувозанатни бузмаслик учун.—Аслида сизнинг бу қалтис йўлга қандай кириб қолганингиз билан қизиқаётган эдик.

—Бу бошқа гап. Лекин бунинг тарихи бироз узунроқда, чидам билан эшит-олашимизми?

—Бажонидил, эшитамиз.

—Ушанда янги уйга кўчиб ўтган эдик. Биз яшаётган кўп қаватли уйда анча-мунча тенгурларим бўлсада, кўпда уларга қўшила олмасдим. Янгилигим туфайли тортиб турирдим. Шундай кунларнинг бирида ховлига тушсам уч-тўртта қўшни болалар суҳбатлашиб туришган экан. Мени кўриб Карим деган бола (уни танирдим, чунки у кўчиб келган кунимиз бизга бироз қарашиб юборган эдик) мени имлаб олдига чакриди.

—Ха нега кўринмайсиз? Қачонга она-сининг боласи бўлиб уйда ўтирасан? — деди мен билан қўриша туриб. Кейин хамроҳларига мени таништирди. — Болалар, танишинлар, Раҳматхон бизнинг кўшим-миз. Яқинда биз яшаётган уйга кўчиб келишди.

—Хамма мен билан бирма-бир кўришди. Шу кунги янги дўстларим билан чўмилгани бордик.

—Дўконга кириб майда-чуйда олиб олайлик,—деди Карим йўлда.—Корнимиз очса соя-салқин анхор буйида ўтириб тамадди қиламиз.

Болалар ёнларидан пул чўкиди Карим-га беришди. Мен пулим йўқлигидан хижо-

лат бўлиб турсам Карим: —Ташвиш тортам, сен учун ўзим тўлаб юбораман,—деди мени хижолатпазликдан кутқариб.

Дўкондан икки шиша вино, пиво, шунга яраша газак ва нон олдик. Иккита қора халтани тўлдириб анхорнинг хилватроқ еридан жой олдик.

Олдин маъна қилиб чўмилдик. Кейин тушликка ўтирдик. Болалар бараварига сига-рет тутатишди.

—Сен чекмайсанми?—сўради Карим менин бир четда ўтирганимни кўриб. Мен йўқ ишорасини қилдим.

—Онанининг эркатоми,—деди ўтирганлардан бири, менинг устимдан қўлиб. Кейин вино, пиво қўйилди. Карим менга бир пиёла тўла вино узатди.

—Ичмайман,—дедим қайтариб.

—Бизга бунақа қиз болалар ёқмайди,— деди тўладан келган Хаким деган бола. Чекка-чеккадан айтилган гаплардан хижолат бўлиб ўртадаги шишага қўл узатдимда, билмадим қаердан бир пайдо бўлган жасорат билан унинг ичигадиги винони шишаси билан кўтариб охиригача ичиб юбордим. Хамма хайрон бўлиб менга тикилди.

—Эй қойил, мана бунга ўғил бола деса бўлади,—деди Карим мактовимни келтириб. Бу сўздан ғурурландим кетдим. Мана бўлмаса деб сизга олиб кетма-кет тутатдим. Хуллас шу кунги ўтирганларга чи-накам «ўғил бола» эканлигимни кўрсатиб қўйдим.

Ушандан бошлаб ўртқорларим кўпайди. Ез ойи эмасми, ҳар кун чўмилгани борамиз. Узимизнинг белгиланган жойимиздан ўрин олишимиз билан ичкилик, оммавий чеккиш бошланади. Бемаъни юришимиз кўпайиб кетганидан онажоним безовта.

—Болам, ҳар кун пул сўрайсан. Нима қилиясан шунча пуллари? Олдинлари бунақа эмас эдинг-ку? Ишқилиб ёмон болаларга қўшилиб қолмадингми?—сўради ха-вотирланиб.

—Йўқ, ойижон,—дейман уларни ишон-тириб. — Болалар билан чўмилгани бо-ряпмиз, холос. Хаммамиз биргалишиб ўша

ерда тушлик қиламиз.

Бир кун Карим даврамизга биздан ёши каттароқ бир йигитни бошлаб келди. Уни биз билан таништирди. Шу кундан бошла-Шавкат ака ҳам бизга қўшилиб, ул-фаччилик қиладиган бўлди. Кўп ўтмай у бизнинг қадрдонимизга — бошлиғимизга айланди. Шавкатнинг гапи биз учун қонун, айтганини қиламиз. Нима бўлди бир кунги чўмилмишга кечикиб бордим. Шавкат ака бўлиб болалар бир ўрам пайросини қўлма-қўл ўтказиб чекиб ўтиришибди. Мен ҳам даврдан ўрин олишим билан ўша ўрам пайросини қўлимга тутқазидим. Икки марта чуқур-чуқур тортдим. Йўқ бу оддий сизарет эмасди. Хиди ҳам бошқача. Анча-мунча вино ичиб кайф қилмайдиган бо-лалар Шавкатнинг қўлидаги сизаретни уч-тўрт тортгандан кейин кўзлари қизариб,

иссиққина уйимдан жуда қилиб, мени хору-зор қилган оғуни иккинчи марта қўлимга олмайман.

Биргина шу йигитнинг арзу додини эши-тиб, бу ердагиларнинг тақдирини нақадар ян-чи эканлигини хис этдикда, иложи бори-ча уни тезроқ тарқ эшит тараддудига туш-ди. Яна бошқалар билан суҳбатлашиб уларнинг ҳам, ўзимизнинг ҳам диллимиз вай-рон бўлишини орастадим. Йўлда кетиб бо-рарканмиз, шу оғу домига тушиб ўз ёш умрини хазон қилаётган баъзи кимсалар-нинг тақдирини ачинадик. Илло ҳеч ким бу йўлга кирмаслигини астойдил Яратгандан сўрадик. Ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин.

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Бизга бунақа қиз болалар ёқмайди,— деди тўладан келган Хаким деган бола. Чекка-чеккадан айтилган гаплардан хижолат бўлиб ўртадаги шишага қўл узатдимда, билмадим қаердан бир пайдо бўлган жасорат билан унинг ичигадиги винони шишаси билан кўтариб охиригача ичиб юбордим. Хамма хайрон бўлиб менга тикилди.

—Эй қойил, мана бунга ўғил бола деса бўлади,—деди Карим мактовимни келтириб. Бу сўздан ғурурландим кетдим. Мана бўлмаса деб сизга олиб кетма-кет тутатдим. Хуллас шу кунги ўтирганларга чи-накам «ўғил бола» эканлигимни кўрсатиб қўйдим.

Ушандан бошлаб ўртқорларим кўпайди. Ез ойи эмасми, ҳар кун чўмилгани борамиз. Узимизнинг белгиланган жойимиздан ўрин олишимиз билан ичкилик, оммавий чеккиш бошланади. Бемаъни юришимиз кўпайиб кетганидан онажоним безовта.

—Болам, ҳар кун пул сўрайсан. Нима қилиясан шунча пуллари? Олдинлари бунақа эмас эдинг-ку? Ишқилиб ёмон болаларга қўшилиб қолмадингми?—сўради ха-вотирланиб.

—Йўқ, ойижон,—дейман уларни ишон-тириб. — Болалар билан чўмилгани бо-ряпмиз, холос. Хаммамиз биргалишиб ўша

Янги сахна асарлари

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НАСРИДА МУСИҚА

Аслида мусиқали драманинг эстетикаси ҳисобга олиниб янги сахна асари яратилаётганида ижод наши-дасига тўлиб-тошган дамлар ву-жудга келиши мумкин. С. Эйзен-штейн айтганидек, бундай дақи-қаларда муаллиф ҳам ҳаёт кўри-нишларидан, ҳам адабиётнинг му-стақил асаридан илҳом олади. Сах-на (ёки экран) драматургиясининг асари —пьеса (ёки сценарий)ни барпо қилади-ю, лекин театр ва-кили ўзи танлаган қисса ёки ро-ман, ҳикоя ёки афсона руҳини са-қлаб қолиш йўллариини излаши за-рур. Биз фикр юритаётган асарда шундай вазифани кўп ўринда ўз драматургиясига эга бўлган муси-қа, руҳий ҳолатларни очишга кўмак-

Зайнаб қадам босга жойларни) қан-чалик нозик қалам билан чизгани-ни эслатиб ўтамизда, театрнинг бу борадаги имкониятлари чекланган-ини қайд этамиз. Лекин мусиқа-ли драмада композитор Манас Ле-виев баҳорнинг кўк ва гул ранги-ни, икки дугона — Шоҳиста ва Сар-виш дардини, дала —дашнинг из-ғирин шамолини ҳам («Олтин кўл» мусиқали драматаси) гоҳ ўйчан, гоҳ катта драматик кучга эга бўлган, гоҳ эса шўх куйлар воситасида тингловчи, томошабинга етказ-олгани ишонч ҳосил қилиш учун ўша партияга мурожаат этиш ки-фоси эканлигини эслатиб ўтамиз. Биз фикр юритаётган асарда ин-терьер бир хиллиги, либослар гўе-



лашадиган ариялар, дуэтлар бажа-риши мумкин эди. «Отабек ва Ку-муш» спектаклида Зайнаб (арт. М. Ортикова), Отабек (арт. М. Хами-дов) арияларида ёшлик эҳтироси, ички кечинмалар намёнён бўлса-да, бошқа кўринишлардаги ариялар кўпроқ диалогик ва ички кон-церт дастуридан олинган ашула-ларни эслатади. Бастакор С. Юсу-пов А. Қодирий ижод этган матн эса муайян лавҳада (айтайлик, Ота-бек «ёзган» талоқ хати ўқилиши сахнасида) ижро этиладиган муси-қанинг микрокомпозициясини, спектакль давомида янграб тура-диган мусиқанинг улғурволигини ва фоживий унсурларга бойлигини, диллимизга янги лирик оҳангинг таъсирчанлигини, илк севгининг сеҳрли куч-қудратини, беғуборли-гини, самимиётини, покизалигини кўрсатишга кўмаклашадиган парти-туранинг сержилолигини, мураккаб-лигини кўрсатиб бериши мумкин эди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун «Қодирий матнида мусиқа» мавзусида фикр юритиш, маълум ва машҳур саҳифаларни қайта муто-лаа қилиш, томоша санъатлари нукта назаридан ўрганиш ки-фоя. Декорация, либослар, сахнадан фойдаланишни мақсад қилиб қўйганлар фаолиятида кемтик жой-лар кўзга ташланиб туради. Спек-таклнинг сўнгги сахнасида томо-шабин эътиборига ҳавола этиб ке-линган тоғ, тепалик ва нималар-нингдир уюм-уюм бўлиб ётишида бирор маъно йўқдек кўринди. Қодирий эса қаҳрамонларини ўраб олган муҳитни (айтайлик, баҳор-ни, Хўжа маъвоз мазорини, телба

ки ўзга актёрлар учун бичиб ти-килгани, бу эса ихрочиларнинг жисмоний ҳаракатини маълум да-ражада чеклаб қўйгани (актёрлар қийган либосларини қўллари би-лан кўтариб, ичмаклаб юришга мажбур бўлишлари) спектакль қиймига етиши учун бир оз ме-ҳнат қилиш эҳтиёжи борлигини тас-диқлаб туради.

Бу асарни биз қизиқиш билан кўраганимиз, шу аснода адиб-га бўлган меҳримиз янада орта-ни, режиссёр Рустам Маъдиев масъулиятни ҳис этиб ижод этга-нидан мамнун бўлганимиз туфай-ли мазкур спектаклдан завқ ол-ганимизни ҳам, унинг айрим кусур-ларини излаганимизни ҳам қалам-га олдик. Бу асарга ҳам «бош-қош бўлиб турган» Абдулла Қодирий ўзбек миллий киносининг илк асарларидан бири («Работ қаш-қирлари») ҳақида танқидий фикр айтган Жўраббеовга аччиқ киноя билан жавоб бергани ва адибнинг ўзи мазкур фильм ҳақида кўп илқ сўзлар айтгани каби биз ҳам «Ўткан кунлар» романининг муси-қали театр сахнасидаги умри бо-шланишини хаяжон қилган, у томошабин дилини хушнуд эти-шини кутган эдик. Ниятимизга е-ганимизни хабар қиламизда, зий-рак театр муҳлисининг синчков-кўзи, севги қулғоги илганан ну-қсонлар Қодирий меросига муро-жаат этадиганларга сабоқ бўлар, деб қисқа тақризимизга яқун ясай-миз.

Хамидулла АКБАРОВ СЎРАТДА: «Отабек ва Кумуш» спектаклидан лавҳа

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ХАЛҚАРО ИШЛАР ВА ПАРЛАМЕНТЛАРГА АЛОҚАЛАР ҚЎМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИ (ОМБУДСМАН), ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЙШМАЛARI ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МАМЛАКАТ ҲАҚИДА ТўЛАҚОНЛИ ИШТИРОКИНИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН НОРМАЛАРИ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ҲИСОБА ОЛГАН ҲОЛДА, ҚОНУНЧИЛИК ОРҚАЛИ ЙўНАЛТИРИШ ҲАМДА АМАЛДА ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ.

Хотин-қизларнинг маънавий ва интеллектуал жиҳатдан ўсиши, уларнинг мамлакат сийсий, иқтисодий-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирокини таъминлаш бўйича мақсадли ва изчил ишлар Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида юртимизда амалга оширилаётган демократик ҳуқуқий давлат, барқарор либе-рал иқтисодиёт ва фуқаролик жамиятини шакллантириш-нинг ягона Концепцияси асосий йўналишларидан бири эканлиги анжуманда алоҳида таъкидланди. Бу иш жаҳонда умумэътироф этилган ҳуқуқий нормалар ва стандартлар, БМТ ва нуфузли халқаро ташкилотлар тавсия этган ёнда-шувлар асосида олиб борилмоқда.

Тегишли халқаро ҳуқуқ нормаларини бажариш мамлака-тимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан қа-фолланган. Қонун томонидан бугунги кунда хотин-қизлар-га эркаклар билан тенг сарлов ҳуқуқлари, фуқароликка эга бўлиш, уни ўзгартириш ёки сақлаш масалаларидаги ҳуқуқлар, таълим соҳасидаги ҳуқуқлар, меҳнат, иқтисодий ва ижтимо-ий ҳуқуқлар, никоҳ ва оилада аёллар ҳамда эркаклар тенг-ҳуқуқлилиги, қонун олдида тенглиги таъминланган. Шундай қилиб, бугунги кунда мазкур масалалар бўйича Ўзбекистон миллий қонунчилиги тўлалигича халқаро стандартларга му-вофиқдир. Юридик жиҳатдан мамлакатда бир жинснинг бо-шқа жинс олдида афзаллиги учун имкониятлар йўқ.

Таъдир иштирокчилари амалдаги қонунчилик ҳужжатла-рини, миллий қонунчиликка имплементация қилинган хо-тин-қизлар тенгҳуқуқлиги масалаларидаги халқаро ҳуқуқий нормаларни изчил ва амалда самарали қўлланилишини ишонли таъминлайдиган, қўшимча ҳуқуқий механизмлар билан кучайтириш мумкин бўлган йўллари тўғрисида фикр алмашишди.

«Туркистон-пресс» 2007—Ижтимоий ҲИМОЯ

ТАБАРРУК ҚАДАМЖОЛАРГА САЁХАТ

ХАЛҚИМИЗДА АЗАЛ-АЗАЛДАН БИР БИРИНИ Йўқлаш, МЕҲР-ОҚИБАТ КўРСАТИШ, КЕКСАЛАРГА ИЗҚАТ-ХУРМАТДА Бўлиш КАБИ ҚАДРИЯТЛАР МАВЖУД Бўлиб, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУ КАБИ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР ЯНАДА БўЙ КўРСАТИБ КЕЛМОҚДА.

Хусусан кекса, табаррук отахонларнинг айна диллари-даги ниятларини амалга ошириш мақсадида Чилонзор ту-манининг «Тинчлик» маҳалласи ва «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан кўнча ва навқирон, муқаддас қадам-жолар, азиз авлиёлар ватани бўлган Туркистонга уюшти-рилган сафар ҳам айнан «Ижтимоий ҲИМОЯ ИЙЛИ» давлат дастури ихроси йўлида ташкил этилди.

Халқ хизматида узок йиллар ҳалол меҳнат қилиб, ҳозир-да кексалик гаштини сураётган 15 нафар отахонлар жуда кўп вақтлардан бери азиз авлиёлар манзил макони бўлган Туркистон, буюк алломаларимиз Аҳмад Яссавий, Сулай-мон Бокирғоний, Занги отадек инсонларнинг ёдгорлик мажмуаларини зиёрат қилиб келишни ниёт қилар эдик. Оллоҳга шукри, шу кунларга ҳам етиб келдик. Муқаддас қадамжоларини, буюк алломаларимиз хоки-пойини зиёрат қилишга муваффақ бўлдик.

Саёҳатимизга аввало Зокирбек ота Худоевров ва «Ўзбек-туризм» миллий компанияси ходими Алишер Назаровлар бошчилик қилишди. Аввало XI асрларда яшаган шайх Иб-роҳим ота ҳамда уларнинг умр йўлдошлари Ойиша онани эъзозлаб қўрилган макбараларни, буюк зот Аҳмад Ясса-вийнинг ота-оналари, уларнинг устозлари Арслон бобо макбаралари ва мадрасаларини, кудратли саркарда Уташа ота макбараларини зиёрат қилдик. Шундан кейин буюк соҳибқирон Амир Темуэр бобомиз томонидан қудирлиган Аҳмад Яссавий мажмуасини дилда юксак эҳтиром билан зиёрат қилдик, дуолар ўқиб юртимизга тинчлик-омонлик, мустақилликдек олий неъматнинг абадий бўлишини тила-дик.

Озод ва обод юртинг нурунийларининг дуолари, ал-батта ижобат бўлади, шу ўринда шундай шарт-шароитлар яратилса ҳисса қўлган ҳомиёларга, «Ўзбектуризм» миллий компаниясига катта миннатдорчилик билдириб қоламиз.

Шарофбек ТўРАБЕКОВ

Таълим «ПАЙВАНДЛАШ ИШИ»ДАН КўПАНМАЛАР

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХўНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ Ўқув АДАБИЁТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА КАТТА АҲАМИЯТ БЕРИЛМОҚДА.

Пайвандлаш иши иқтисодлиги бўйича ҳам бир нечта дарслик ва қўлланмалар босмадан чиқди. Тошкент Давлат техника университетининг «Пайвандлаш технологияси ва жиҳозлари» кафедраси томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар қатор янги ўқув адабиётларини яратиш имко-нини берди.

«Контактли пайвандлаш технологияси ва жиҳозлари», «Пайвандлаш иши» деб номланган қўлланмалар профес-сор Махмуд Абрамов изланишлари маҳсули бўлди. Танқид-ли олинмиш «Газ ёрдамида металлларга ишлов бериш те-хнологияси ва жиҳозлари», «Эритиш-пайвандлаш техноло-гияси ва жиҳозлари» деган нашрлари ҳам касб-хўнар кол-лежлари учун тақдим этилди.

УНИВЕРСИТЕТГА СОВҒА ҚИЛИНДИ

«КЕЛАЖАК САРИ ИНВЕСТИЦИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН: ИНСОН ОМИЛИ ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ИНВЕСТИЦИЯСИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ЯНГИ НАШРЛАР ХАЛҚАРО ДОИРАДА ОММАЛАШТИРИЛМОҚДА.

Мамлакатимизда фан ва таълим соҳасида эришилаёт-ган катта ютуқлар талқинига бағишланган бу монография-лар суратли альбом-китоб қилиб чоғ этилди. Улардан бир нечта нуҳаси Ломоносов номидаги Москва Давлат уни-верситети ректорига ҳам лутфан топширилди.

Олий ўқув юрти ректори фармойиши билан мазкур ки-тобларнинг тақдими факультетларга ўтказилиб, профес-сор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар баҳраманд қилинди. Шундан сўнг нашрлар университетнинг асосий кутубхона-си нодир адабиётлар бўлимидан ўрин олади.

Ақбар АЛИЕВ

03-03 ўрганиб домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИҚМАТЛАР

Учраса гар соҳиби макру мажоз, Оғзи берк бир хумга айлан, айтма роз.

Этса жоҳиллар жафо, сабр айла.

Маърифат кечмиш замонлардин келур.

Пўст деган қулдир мағизга доим.

Не ажиб кашшоф эмиш нури.

Ноахиллар бирла бўлгил сен аҳил.

Сув чиқармоқликни этмас ул гараз, Ёғ чиқармоқликни доғи ўйламас.

Бўйлаким дўконда ўлтиргай киши, Ўзни дер, дунёси бирлан не иши?

Кўрқишар яхши-ёмондин барча, ҳай, Ўз-ўзидан кимса лекин кўрқмагай.

Кўзларинг кўркувни кўрмаслар магар, Турфа-турфа ўй-хаёллар кўрқитар.

Кўркуву титроқ келурлар ўзгадин, Ўз-ўзидин кимса кўрқмас, эй ҳазин.

Ваҳму кўркув бесабаб бўлгайму ҳеч? Хушламас жойига кўнгил боргайму ҳеч?

Ростки бор, ёлгонни ошкор айлағай.

Халқ ила суҳбатни тўфон англағил.

Қочма шеру аждаҳодин ҳеч маҳал, Ошною акробдин қил ҳазар.

Бори умрингни эговлар ширкати, Мулки гайбингни совургай суҳбати.

Намли, сувли бўлса новда, йўқ тараф, Қай тараф буксанг, эгилгай ул тараф.

Истасанг, сенга саватдир ул ҳамон, Истасанг, чамбар тўқирсан бегумон.

Лек суви қочса, қуриб, қотгай тайин, Сўнг эгилмоғи, букилмоғи қийин.

Ичмасанг доруни, этгайму амал.

Гар ўйин наздингда бир ҳеч нарсдек, Ўйнаб-ўйнаб, ақли киргайдир валеқ.

Чашмаи раҳмат уларга чун ҳаром, Сипқорурлар захри қотил жом-жом.

Кечди умрим беҳуда ганж излабон.

Эй рафиқ, этгил дуойи нолишинг, Ул қабул бўлгайму-бўлмас, не ишинг?

Ўзни беҳуда синовага қўймағил.

Лек адолат офтоби сочса нур, Тоғ эриб, гоҳ қум бўлур, гоҳ жун бўлур.

Дедиларким, қўй, бўлинмоқлик ёмон, Ким бўлинггай, ўтда ёнгай бегумон.

Енгар эрди ул арслон, не қилур, Лек тубанларнинг замони эрди ул.

Баҳс этиб шер, унда устун келмади, Баҳс аро келди ҳўкизлар омади.

Қўл чўзар бўлса таомга комил эр, Ул емас ёлғиз, таомни жумла ер.

Думба кўргайдир мушук уйқусида.

Мустафодин бўйлаким суннат келур, Кексаларга хурмату иззат келур.

Бу замонда икки ҳолда халқ мудом Кексаларга кўрсатур лутфу киром.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Кизил Ярим Ой жамияти фаолиятидан

ДИЛДА ҚОЛСИН САХОВАТИНГИЗ

МЕҲР-ШАФҚАТ, ИНСОНПАРВАРЛИК ВА ЎЗАРО БИР-БИРИГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМ КЎРСАТИШ, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭНГ ҚАДИМИЙ ҚАДРИЯТЛАРИДАН БИРИДИР. ШУ МАЪНОДА ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ВА УНИНГ ЎН БИТА ТУМАН БЎЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР АЙНАН ИНСОНПАРВАРЛИК, АҲОЛИНИНГ НОЧОР ҚАТЛАМЛАРИГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМ КЎРСАТИШ, ТУРЛИ ТАБИИЙ ҲАМДА БОШҚА ОФАТЛАРДА ЖАБРАНГАН АҲОЛИГА ТИББИЙ, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШГА ҚАРАТИЛГАН.

Шунингдек, Қизил Ярим Ой жамиятининг асосий вазифаларидан яна бири—бу ёшларни инсонпарварлик руҳида, ватанпарвар қилиб тарбиялашдир. Шунинг учун ҳам жамият ўзининг ёш аъзолари ва кўнгиллиларини хайрия фаолиятига кенгроқ жалб этиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб этмоқда. Ёшлар орасида гиёвандлик ва ВИЧ-СПИДнинг тарқалишининг олдини олишга ҳаракат қилмоқда. —Бу борада жамиятимиз ёшлар учун турли мавзуларда

семинарлар, учрашувлар ва тадбирлар ўтказиб келмоқда. Уларда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятининг инсонпарварлик тамойиллари доирасидаги фаолияти, иш шакллари ва усуллари, биринчи ёрдам кўрсатишга ҳамisha тайёр бўлиш лозимлиги ҳақида зарур маслаҳатлар берилади,— дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши «Ёшлар билан ишлаш» йўналиши мувофиқлаштирувчиси Мат-

люба Якубова.—Жорий йилмизнинг Ижтимоий Ҳимоя йили деб номланиши ва аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий Ҳимоя қилишга қаратилган давлат дастурининг қабул қилиниши бизнинг фаолиятимизда ҳам катта аҳамият касб этди. Аҳолининг заиф, ночор қатламларига имкон бори-ча ёрдам бериш борасида ҳомий ташкилотлар билан бир қатор ишларни олиб бормоқдамизки, албатта бунда саховатли, тадбиркор, савоб иш қилишни ўз олдидидаги инсоний бурч деб тушунадиган ҳамшаҳарларимизнинг кўмагидан миннатдоримиз.

Маълумки, ҳар йили хайрия ойлигини ўтказамиз ва бунда тўпланган маблағ ҳисобига хайр-саховат юмушларини ба-жариб, ногирон, кекса, ҳаётда ёлғизлиб қолган инсонларга беғараз ёрдамимизни кўрсата-миз. Ҳар бир байрам, турли са-наларда уларни йўқлаб, дастур-хон ёзиб бир пиёла чойга так-лиф этамиз.

Мана яқинда шаҳримизда-ги сўлим Фафур Фулом номи-даги маданият ва истироҳат боғида Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамияти таш-кил тоған кун муносабати



билан аънаввий байрами-мизни ўтказдик. Ташкилотчи, ҳомийлар ва қатнашчилар кўнгилга бир олам завқ ба-ғишлаган ушбу тадбирда 22 нафар жамият фахрийларига совға-саломлар берилиб, мод-дий ва маънавий кўмак кўрса-тилди.

«Дариғ тутманг мурувватин-гиз, дилда қолсин саховатин-гиз» шиори остида ўтган ушбу тадбирда 30-Меҳрибонлик уйи болалари, Ёшлар марказининг кўнгилли аъзолари, Тошкент Давлат шарқшунослик институ-ти ва Банк коллежи талабала-рининг мусиқали чиқишлари, чиройли сахна кўринишлари, жамият тарихи ва фаолиятига бағишланган савол-жавоб, вик-торина ўйинлари барчага хуш-нудлик бағишлаб, кайфиятни кўтарди.

Шунингдек, ушбу тадбир до-ирасида мактаб ўқувчилари ўртасида уларнинг билим сави-ялари ва кўникмаларини синов-дан ўтказиш мақсадида мунта-зам ташкил этиладиган «Сало-

матликнинг ёш дўстларимусо-бақаларининг Тошкенаҳар босқичи ҳам бўлиб ўтди. Ўқув-чиларнинг ниҳоятда флиги, кўтаринки руҳда ўтган у тан-ловда биринчи ўрин Ср Ра-ҳимов туманидаги 24-қўтаб жамоасига насиб этди. Барча голиб ва қатнашчилар Ҳа-шимининг Фахрий ёрлига эс-далик совғалари билан қад-рланди.

Айни кунларда ўқувчилар таътил даврида мазму дам олишмоқда. Бизнинг кеш хо-димлари томонидан ёзворм-гоҳларда санитар постлр таш-кил этилиб болажонларг сал-оматлигини тиклаш, унинг яхши дам олиб қайтиш учун фаолият олиб бормоқ Бун-дан эса мақсадимизитта: ёшларимиз келажақда қийй ватанларим, инсонпарр ва комил, тарбияли бўливога етсинлар.

Шоира МУҲАММОВА СУРАТЛАРДА: «Саъма-ликнинг ёш дўстларимусо-бақасидан лавҳалар



МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

ГИЁВАНДЛИКНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЗАРАРЛАРИ ҲАҚИДА ДУНЁ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ МАЪЛУМОТЛАР БЕРИЛАДИ, УНГА БАҒИШЛАБ КЎП МАМЛАКАТЛАРДА ҚАТОР ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА, ГИЁВАНДЛИККА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИШ МАҚСАДИДА МАҲАЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. ЛЕКИН МИНГ АФСУС, АСР ВАБОСИГА АЙЛАНГАН ГИЁВАНДЛИК ИНСОНЛАР БОШИГА БАЛО ЁҒДИРМОҚДА.

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси Президен-тимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хо-тин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувват-лаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги мазкур Фармон ижросини таъминлаш борасида-ги 299- сонли қароридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш мақсадида оилаларни мустаҳкамлаш, аёлларни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий Ҳимоялаш, уларни соғломлаштириш ма-саласига эътиборни кучайтириб, айниқса тиббий маданиятга эга бўлишларини таъминлашга қарати-лган кўплаб ишларни амалга оширмоқда. Маълумки, мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш давлат сиёсатининг устувор йўна-лишларидан бирига айланган. Бу борада ҳукума-тимиз томонидан қабул қилинган қатор ҳужжат-лар ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Дунёда инсон саломатлиги, унинг ҳам руҳан, ҳам жисмонан бар-камоллигидан ортиқроқ бойлик йўқ. Жамият ва давлатнинг энг катта бойлиги ҳам фуқароларнинг саломатлигидир. Инсон тани-жони соғ бўлган жой-дагина камолга етади, соғлом фикрлайди ва жа-миятга соғлом гоъ беради. Шу боис ҳукуматимиз томонидан аҳолининг саломатлигини мустаҳкам-лаш ва айниқса келажақ авлодни соғлом инсон-лар қилиб вояга етказиш борасида қатор муҳим ҳужжатлар жорий қилинмоқда. Бироқ жамият бор экан, унда ривожланиш ва тараққиёт билан бирга шу жамиятнинг оёйига тушов бўлиб, уни орқага тортадиган кучлар ҳам пайдо бўлади. Барчамизга маълумки, гиёвандлик аср вабоси сифатида ай-рим одамлар, ёшлар, оилалар, жамоалар ва мам-лакатлар учун оғир оқибат олиб келувчи ижтимо-ий ва иқтисодий фалокат ва таназзулга етаклов-чи балоидир.

Халқаро гиёвандликка қарши кураш куни муно-сабати билан Бобур номидаги маданият ва исти-роҳат боғида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва PSI халқаро ташкилоти ҳамкорлигида «Гиё-вандликсиз келажақ сари» шиори остида ўтказил-ган маданий-маърифий тадбирда ҳам айнан шу-лар ҳақида сўз борди. Тадбирда оромгоҳларда дам олаётган ўқувчи-ёшлар, маҳалла ёшлари иш-тирок этдилар. Ёшлар учун ниҳоятда қизиқарли ўтган мазкур тадбирда турли хил викторина ўйин-лари, расмлар танлови, спорт мусобақалари ҳамда аjoyиб концерт дастурлари ташкил этилди. Тад-бир якунида энг фаол иштирокчилар ва танлов голиблари ҳомийлар томонидан эсдалик совғала-ри билан тақдирландилар.

Дилором ИКРОМОВА

Спорт янгиликлари

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ШОҲСУПАДА!

БОЛГАРИЯНИНГ СОФИЯ ШАҲРИДА ТРАМПОЛИН БЎЙИЧА ЖАҲОН КУБОГИ МУСОБАҚАСИНИНГ ТЎРТИНЧИ БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛДИ.

Трамполиннинг батутда сакраш тури бўйича синхрон сак-раш баҳсларида қатнашган спортчиларимиздан Екатерина Хилько ҳамда Анна Савкина 45,30 балл тўплаб, шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди ва бронза медаль билан тақ-дирланди.

ОЛДИНДА ГЕРМАНИЯ

ПОЙТАХТИМИЗДА СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИА ЗАҲИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИ КУБОГИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН ОЧИҚ МУСОБАҚАДА СОВРИНЛИ ЎРИНЛАРГА САЗОВОР БЎЛГАН СПОРТЧИЛАР ТЕРМА ЖАМОАГА ҚАБУЛ ҚИЛИНИБ, ГЕРМАНИЯДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИНИ

ҲАМЮРТИМИЗНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

КУНИ КЕЧА ГЕРМАНИЯДА ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ ЎТА ОФИР ВАЗНИДА МЕЗБОНЛАР ВАКИЛИ ТИМО ХОФФМАНГА ҚАРШИ РЕЙТИНГ ЖАНГИДА РИНГА КЎТАРИЛГАН ЮРТДОШИМИЗ ТЕМУР ИБРАГИМОВГА ОМАД ҚУЛИБ БОҚДИ.

Шуни таъкидлаш жоизки, Герма-ния ринглари ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталарига доим муваффақи-ят келтирган. Аввалига Артур Гри-горян, жорий йилда эса Руслан Ча-гаевнинг ўз ваъзалари тоифасида жа-

хон чемпионлигини қўлга киритган-ликлари фикримизга яққол далил-дир.

Энди Ибрагимов ва Хоффман баҳ-си тафсилотида тўхталадиган бўлсак, ҳамюртимиз ўн раундлик жангда ра-

қибидан яққол устунлик қилди.atto уч марта Хоффман ноқдаунга хи уч-ради. Ва юртдошимиз аjoyибгала-бани қўлга киритиб рейтинг жва-лидаги мавқеини анча яхшилабди.

Ақбар ЙЎЛДШЕВ

Мунажжим башорати

ВАЪДАНГИЗНИ АЛБАТТА БАЖАРИНГ

4 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА Бугунги куннинг биринчи ярми ҳаётнинг кўпги-на соҳаларида тўсатдан ўзгаришлар юз бериши билан боғлиқ бўлса, куннинг иккинчи ярми кун-далик ҳаётда сеҳр-жоду роли ошиши билан кўзга ташланади. Бугун одамлар ўртасидаги ўзаро му-

носабатларга аниқлик киритиладиган кун ҳақир. Шу кун берилган ваъда, албатта бажарилиши керак. Муҳим шартномаларни имзолаш ҳида масъулиятли музокараларни олиб бориш учуқам айна кулай пайт ҳисобланади.

Ой тақвимиининг бугунги кунни ҳам тўғри, ҳам нма маънода покланиш билан шуғулланишни тақозоэта-ди: уй-рўзгор ашёларини тозалаб ювиш билан ир-га, миёдаги фикрларни ҳам поклаш, яна ванна йбул қилиш фойдали. Бугун дераза ойнаси ёки иша идишни синдириб қўйиш нохушликларни бошлаббе-рувчи аломат ҳисобланади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 20 июль куни сст 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаи мулкни қайта қўймоқда.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2467-68/3 сонли ижро ҳужжатва асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Сергели тумани, Дарё бўйи кўчаси, Жанубий sanoат зонасида жойлаи-ган ва «ТЕХНО-SERA» МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 10 678 кв.м. бўлган 2 қаватли база биноси а А,Б,В,Г,Д,Е-блокдан ташкил тоған биноларни савдоларга чиқаради. Бошланғич баҳоси — 434 663 307 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Униве-сал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФ 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалаи юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжав кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г - 606

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрийт-матбаа аниқдорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.